



## ФАРГОНА ВОДИЙСИННИГ СУВ ҲАВЗАЛАРИДАГИ ОДДИЙ ҚОРАБАЛИҚНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ЗООГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР

М.А.Мухамедиев

б.ф.н., ФарДУ катта ўқитувчisi;

А.Ҳасанов

мустақил изланувчи

**Аннотация:** Мақолада Фарғона водийси айрим сув ҳавзаларидағи оддий қорабалиқнинг морфологияси, биологияси, экологиясининг материаллари ва шунингдек мазкур балиқларнинг Марказий Осиёдаги зоогеографик тарқалиши масалалари кўриб чиқилади.

**Калит сўзлари:** Морфологик ўзгарувчанлик, экологик мосланувчанлик, *Schizothorax intermedius euristomus*, палиоцен, Тоғли Осиё ихтиофауна комплекси.

**Аннотация:** В статье рассматриваются материалы по морфологии, биологии, экологии обыкновенной маринки некоторых водоёмов Ферганской долины, в также вопрос их зоогеографического распространения в Центральной Азии.

**Ключевые слова:** Морфологическая изменчивость, экологическая пластичность, *Schizothorax intermedius euristomus*, палиоцен, Нагорно-Азиатский комплекс ихтиофауны.

Маълумки, Ўзбекистон, шу жумладан Фарғона водийсинг сув ҳавзаларида қайд этилган балиқларнинг 44 туридан 26 тури, шу жумладан оддий қорабалиқлар овва етишириш аҳамиятидаги балиқлар қаторида рўйхатга олинган. Шу муносабат билан балиқ ҳамжамиятлари, уларнинг тарқалиш миқёсида айни балиқ тури қандай ўрин эгаллаши масаласига аниқлик киритиш талаб этилади ва оддий қорабалиқнинг таксономик тартибдаги ўрни, биологияси ва экологиясига оид маълумотларни келтирган ҳолда, дала тадқиқотлари давомида ўзимиз тўплаган ихтиологик материал бўйича маълумотларни келтирамиз.

Қора балиқнинг систематикадаги ўрнини биз академик Л.С.Бергнинг Балиқлар системасида кўрсатган намунасига амал қилдик [1: 517 б.]:

Teleostomi XII синфи Crossopteryg IIкенжа синфи

Cypriniformes туркуми

Cyprini бўлими

Cyprinoidei (Eventognathi) кенжа туркуми

Cyprinidae Fleming, 1822 оиласи

*Schizothorax* Никольский, 1938 авлоди

*Schizothorax intermedius* McClelland, дастлабки тур

*Schizothorax intermedius euristomus*, 1872 кенжа тури

Маълумки, қора балиқлар – карпсимон балиқлар оиласининг *Schizothorax* авлодини ташкил қилади. Тур вакилларига ҳос умумий морфологик ва биологик

белгилардан балиқлар танасининг майда тангачалар билан қопланганлигини, орқа сузгичининг биринчи шуъласи тикан шаклида, мазкур тикан шуъласи ичидаги тишлар арасимон кўринишида, истеъмол қилинадиган озукани майдалashi учун уч қатор халқум тишлар хизмат қилишини, икки жуфт мўйловларини, урчиши даврида увидириғи заҳарли эканлигини таъкидлаш лозим [3:276-б.]. Таксономия ва географик тарқалиш нуқтаи назаридан Марказий Осиёning тоғ дарёларининг эндемик тури ҳисобланган Тоғли Осиё фаунасининг вакиллари, яъни қорабалиқлар аслида Хинд, Ҳилманд, Хуанхэ дарёларининг юқори оқимларида, шунингдек Ҳимолой ва Тибет тоғларининг кўтарилишидан ҳамда Тарим дарёси ҳавзасининг юқоридаги дарёларидан алоҳидаланишидан олдинги даврдан бошлаб кенг тарқалган. Хусусан, қорабалиқлар авлодининг қариндош турларидан Ҳинdiston ва Покистоннинг тоғ дарёларида *Schizothorax plagiostomus Heckel*, 1838 тури қайд қилинган [6:77-796.;4:118-125-б.]. Марказий Осиёда Каспий орти қорабалиғи – *Schizothorax pelzami*, Или қорабалиғи - *Schizothorax pseudaksaensis*, Балхаш қорабалиғи - *Schizothorax argentatus* ва оддий қорабалиқ - *Schizothorax intermedius ssp.* турлари учрайди [3:276-б.]. Қайд этилган 3 турлардан айниқса Балхаш ва Или қорабалиқлари оддий қорабалиққа нисбатан оммавий ов аҳамиятига эга эканлиги, узунчоқ танаси ҳамда вазнининг оғирлиги билан фарқланади. Л.С.Берг Марказий Осиё жумладан Фарғона водийси сув ҳавзаларидаги оддий қорабалиқ турининг икки географик ирқларини, яъни типик *Schizothorax intermedius ssp.* ва *Schizothorax intermedius morpha euricephalus* морфаларининг мавжудлигини кўрсатган; шунингдек, Тожикистон сув ҳавзаларида бир – биридан қатор белгилари билан фарқ қиласидиган *Schizothorax intermedius morpha ssp.*, *Schizothorax intermedius morpha eurystomus*, *Schizothorax intermedius typ.* ва *Schizothorax intermedius morpha irregularis*, *Schizothorax intermedius morpha fedtschenkoi* морфаларининг учрашини таъкидлаган [4: 118-125-б.]. Қорабалиқлар учун ҳос тарқалиш худудлари: Хинд ва Ҳилманд дарёларининг тизимлариdir [4:119-б.]. Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда, Тоғли Осиё балиқлари комплексининг энг ҳос вакиллари *Schizothorax* авлоди қорабалиқлар тарқалиши ареалининг чегараларини шимолдан – Марказий Осиё худуди, жанубдан - Ҳинdiston ва Покистон тоғ дарёлари, шарқдан Тарим дарёси ва гарбдан Каспий денгизидан жануброғидаги шимолий Эрон тоғ дарёларини белгилаш мумкин. Қуйида типик қорабалиқ *Schizothorax intermedius morpha ssp.* учун ҳос пластик ва меристик ўлчам белгилари ҳамда биологиясига оид (шахсий кузатувлар) маълумотларимизни келтирамиз.

Морфологияси: орқа сузгичида III-IV 7-9, одатда 8 та шохланган шуълалар, анал сузгичида ҳар доим III 5 шуълалар мавжуд. Орқа сузгичнинг тикани арасидаги тишчалар сони 10 - 23 жуфтгача, ён чизигидаги тангачалар сони 90 дан 103 гача, ўрта ҳисобда 97-98 та. Тана узунлигига нисбатан: бошнинг узунлиги 20-29 %, тананинг энг юқори баландлиги- 16-26 % тананинг энг паст баландлиги -9 -13 %, дум ўқининг узунлиги 16 дан 22 % гача, антедорсал масофа - 45 – 55 %, постдорсал масофа 33 дан

43 % ни ташкил қиласи. Орқа сузгичи асосининг узунлиги 11-14 % гача, пектрал сузгич узунлиги 16 дан 22 % га тенг. Пектрал ва вентрал сузгичларнинг асослари ўртасидаги масофа 24 да 31 % гача ўзгариб боради. Балиқнинг орқа томони тўқ яшилсизмон кулранг, қорни оқиш кумушранг ёки сарғиш тусда. Сузгичлар бир хил тусда, кўкрак, қорин ва анал сузгичлар оқишроқ, орқа сузгич тўқроқ рангда. Ёш балиқчаларнинг танаси ва сузгичлари одатда майда қорамтири нуқталар билан қопланган.

Морфанинг ўзгарувчанлик белгиларидан бири - вояга етган урғочилар лабларнинг кучли ривожланишини, яъни лаблар қалинлигини алоҳида таъкидлаш жоиз, мазкур белги типик *Schizothorax regeli* Herzenstein морфасининг вакили учун ҳосдир. А.П.Федченконинг 1874 йил экспедицияси материалларида Зарафшонда ушланган катта ёшдаги урғочи қорабалиқда айни белги яққол кўзга ташланган. Бундан ташқари, урғочи балиқлар эркак индивидлардан узуроқ дум ўқи ва калтароқ кўкрак сузгичлари билан фарқланади, - фикримиз бўйича бу уларнинг кўл шароитида кўпроқ яшашига ишора қиласи. *Schizothorax intermedius*нинг ёши бўйича ўзгарувчанлиги катта ёшдаги балиқларда бош узунлигидан фоизлар ҳисобида кўз диаметрининг кичрайишига нисбатан тумшуғининг узунлигига ва кўзорти масофасининг узайишида намоён бўлади. Г.В.Никольскийнинг таъкидлашича, оддий қорабалиқнинг тана узунлиги 5-15 смдан 25 ва ундан каттароқ ўлчамларига қараб узайишида тана узунлигига нисбатан фоизлар ҳисобида қуйидаги пластик белгиларнинг ўзгарувчанлиги, яъни: тананинг энг юқори баландлиги, тананинг энг паст баландлиги, орқа сузгичи асосининг ва кўкрак сузгичларининг узунликлари камайиб бориши билан бир вақтда дум ўқининг ва пекто-вентрал масофанинг узайиши кузатилади. Ўлчами кичик (5 см гача) майда балиқчаларнинг боши катталарга нисбатан узуроқ, бироқ танасининг узунлиги 5 см дан 30-40 см ўлчамли балиқларда мазкур ўзгариш кузатилмайди [4:118-125-б.]. Л.С.Бергнинг кузатувлари бўйича 29-31 мм ўлчамли ёш балиқчаларнинг танаси тангачаларсиз ва мўйловлари бўлмайди, тана узунлиги 40 ммдан бошлаб ён чизиқнинг пастида тангачалар ва чала ривожланган мўйловлар пайдо бўлади, 55 мм индивидларнинг танаси тангачалар билан тўлиқ қопланган ва икки жуфт мўйловлари мавжуд. Марказий Осиёда тарқалган *Schizothorax intermedius* вакиллари муаллифларнинг юқорида қайд этилган фикрига мувофиқ, мазкур турнинг морфаларидир, шу билан бирга Фаргона водийси сув ҳавзаларида учрайдиган типик *Schizothorax intermedius* ssp., *Sch.euristhomus* ҳамда Чотқол тоғларидаги *Schizothorax intermedius euricephalus* морфалари мустақил географик ирқларни ташкил қиласи. Г.В.Никольскийнинг маълумотлари бўйича тоғ дарёларида учрайдиган типик *Schizothorax intermedius* индивидларининг тана ўлчамлари 30 смдан ошмайди, балиқлар танасининг узуроқлигига, вазни оғирроқлигига асосан озиқланиш тарзи таъсир кўрсатади – майдароқ балиқлар кўпроқ ўсимлик емишини истеъмол қилиб ҳаёт кечирса, танаси йирикроқ ўлчамли балиқлар зоопланктонни, хашаротларни ва хатто майда балиқларни истеъмол қиласи. Муаллиф

ўзининг шахсий кузатув натижалариға асосланиб, қорабалиқни ҳам ўсимлик, ҳам хайвон озуқасини истеъмол қилувчи хаммахўр балиқ деб, катта ёшда балиқхўрликка ўтадиган тур деб таърифлайди. Тадқиқотимиз давомида тоғ дарёларида йифилган қорабалиқ намуналари типик *Schizothorax intermedius* вакиллари бўлиб, бошқа муаллифларнинг маълумотларидан фарқли ўлароқ улар суст ўсиш суръатларига ҳамда енгил вазнлилик хусусиятига эга. М.А.Мухамедиев Исфайрамсой дарёсидаги 1+, 2+, 3+, 4+, 5+, 6+, 7+ ёшлардаги индивидлар бўйича қайд этган маълумотларида келтирилган кўрсаткичлар мазкур балиқ турининг катта морфологик ўзгарувчанлигини, экологик жиҳатдан юқори мосланувчанлигини намойиш қиласди [7:16 б.] Мазкур муаллифнинг маълумотлари Л.С.Берг, Г.В.Никольскийларнинг юқорида баён этган назарий хуносаларини [4: 118-1256.] сўзсиз тасдиқлайди. Хусусан, Исфайрамсой ва Каркидон сувомборининг қуи каналидаги оддий қорабалиқнинг морфологик белгиларини Қорадарё ва Қорасув дарёси намуналари билан таққослаганимизда кўз диаметри, дорсал, пектрал, вентрал, анал сузгичлари каби пластик белгилари ҳамда тананинг меристик белгилари йўсинида қатор ижобий ва манфий юқори даражали ўзгарувчанлик аломатлари мавжудлиги намоён бўлди. Исфайрамсой сув ҳавзаларидаги қора балиқ намуналарида қўлда яшовчи морфа белгилари доминант бўлиб, Қорадарё ва Қорасув дарёларида балиқларда эса дарёда яшовчи морфа белгилари устунлиги кўриниб туриди. Исфайрамсой сув ҳавзасидаги қорабалиқлар харорати совуқроқ сув шароитда яшайди, бунда тўғридан-тўғри кузатиш натижаларини катта (5+7+) ёшлардаги балиқлар танасининг мазкур кўрсаткичларини Бердичевский ва Винберг методлари бўйича қайта ҳисоблаш, Фультон бўйича балиқлар семизлиги даражаси ҳамда популяцияларнинг ёшлар бўйича таркиби маълумотлари айни мойилликни тасдиқлайди. Мазкур қорабалиқларнинг тана узунлиги ҳамда вазни ўлчамлари бўйича Ўзбекистон, Тоҷикистон ва умуман Марказий Осиёнинг бошқа худудларида намуналарга нисбатан энг суст ўсуви балиқлар эканлиги кўриниб туриди [7:166]. – бугунги кунда ўзимиз тўплаган ихтиологик материаллар намуналари айни мойилликнинг ўзгармаганлигини исботлайди.

Тоғли Осиё ихтиофаунасининг эндемиги оддий қорабалиқ *Schizothorax intermedius eurystomus* морфаси учун ҳос бўлган юқори морфологик ўзгарувчанлик, экологик мосланувчанлик, ғоят чидамлилик белгилари тоғ дарёлари шароитида ҳамда Сирдарёга қуйиладиган ирмоқларда намоён бўлмоқда. Фарғона водийси тоғ дарёларининг алоҳидаланганилигига қарамай, оддий қорабалиқ морфалари Сирдарёнинг ўрта оқимиға чегарадош худудгача тарқалиб келмоқда.

Маълумки, ҳайвонот оламининг, шу жумладан, балиқларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сайёрамиз бўйлаб тарқалиши Ернинг бир неча юзлаб миллион йиллик палеонтологик тарихи билан бевосита боғлиқ. Хусусан, академик Л.С.Берг келтирган Балиқлар системаси бўйича *Cyprinidae* Fleming, 1822 оиласи палеоцен даврида пайдо бўлиб, ҳозирги замонгача шаклланиб келмоқда ва Европа, Африка, Осиё, Шимолий

ҳамда Марказий Американинг чучук сувларида тарқалмоқда [7:144-150б.]. Шу боис, Л.С.Берг ва Г.В.Никольскийнинг назарий маълумотларига таяниб, фанда қабул қилинган ихтиологик вилоятлар тизимиға амал қилган ҳолда Марказий Осиё минтақасида, жумладан Фарғона водийси сув ҳавзаларида балиқларнинг тарқалишига доир мулоҳазамизни келтирамиз. Келиб чиқиши ва зоогеографик тарқалиши нуқтаи назаридан минтақанинг тоғ дарёлари, кўллари ва сув омборлари Л.С.Берг таклиф қилган Тоғли Осиё кенжা вилоятига тааллуқли деб ҳисобланади. Бу сув ҳавзаларида Тоғли Осиё ихтиофайнаси комплексининг вакили оддий қорабалик ва шу комплекснинг бошқа авлодларнинг турлари тарқалган. Марказий Осиё минтақасининг текислик қисмидаги сув ҳавзалари Понто-Орол-Каспий провинцияси Орол округининг Туркистон участкасини ташкил қиласди ва Ўрта ер денгизи кенжা вилоятига тааллуқлидир [7:187-б.]. XX-асрнинг ўрталарида Сирдарё ҳавзасидаги балиқ турларининг сони Европа дарёларининг турлар таркиби билан таққосланганида улардан 2 баробар кам бўлганлиги, Шарқий ва Жанубий Осиёнинг Янцзи, Ганг, Ҳинд дарёдагиларга нисбатан анча кам эканлиги маълум бўлган [7:188-б.]. Шу билан бирга, Марказий Осиё, жумладан Орол денгизининг сув ҳавзаларида балиқлар фаунасининг шаклланишига Ер тарихидаги Учламчи даврида тараққий этган, Ўртаер денгизи провинциясидан кириб келган ихтиофайна вакиллари салмоқли ҳисса қўшган. Ер қутбларининг кўчиши ва Европада музлик даврининг ривожланиши оқибатида иқлимининг кескин совуқлашиши учламчи фаунани янада жануброқдаги кенгликларга чекинишга мажбур қиласди [7: 194-б.]. Мана шу ўзгаришлар қатори Марказий Осиёдаги қорабалиқлар ғарброққа кўчиб, кейинчалик Каспийдан жанубдаги йўл орқали минтақага қайтиб келган [7: 194-б.]. Бизнинг тахминимизга кўра, айнан ўша вақтда *Schizothorax* авлоди вакилларининг ушбу миграцияси натижасида Каспий орти қорабалиғи *Schizothorax pelzami* географик ирқи шаклланиб, қора балиқлар авлоди ареалининг ғарбий чегараси пайдо бўлган, - ўша тарихий даврда Каспийни Орол денгизи билан туташтирган йўл ҳали йўқолмаган эди. Г.В.Никольский таъкидлаганидек, Орол денгизи ҳавзасида яшовчи балиқлар алоҳида географик ирқларни ташкил қиласди, чунки олдинги даврларда Орол чучук сувли кўл бўлган. Кейинги даврларда Орол минтақасининг алоҳидаланиши туфайли *Schizothorax* авлодига мансуб эндемик турлар шаклланган. Ҳимолой тоғларининг кескин кўтарилиши Ҳинdiston ва Тибет минтақалари билан алоқаларнинг узилишига ва ўша ерларгача тарқалган қорабалиқларни йўқолишига олиб келди. Сирдарёнинг юқори оқими ҳавзасини эгаллаган Орол бакраси *Acipenser nudiventris*, оқ қайроқ *Aspius aspiusibliooides*, Орол шим балиғи *Luciobarbus brachycephalus*, қилич балиқ *Pelecus cultratus* каби турлар қорабалиқларни совуқ сувли тоғ дарёларига чиқиб кетишига мажбур қиласди [4: 194-195 б.].

Л.С. Берг таъкидлаганидек, Тоғли Осиё балиқ фаунасининг ўзига ҳос алоҳидалашганлиги, мазкур авлоднинг эндемикилиги уларнинг юқори тоғлар шароитида яшашга мосланиши билан шартланган. Г.В. Никольскийнинг тахмини

бўйича Ҳиндистон Осиё билан туташган даврда *Schizothorax* авлоди вакиллари шимолга миграция қилиб Марказий Осиёни эгаллаши натижасида Тоғли Осиё комплекси шаклланган.

Шу билан бирга, юқори учламчи даврда бир-бири билан туташган Ҳиндистон, Африка ва жанубий Хитойда Cyprinidae оиласининг шаклланганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки айнан мазкур минтақалардаги карпсимонларда бир қаторли халқум тишларига нисбатан анча соддароқ тузилган қўп қаторли халқум тишлари мавжуд. *Schizothorax* авлоди балиқлари совуқ сувли тоғ дарёлари шароитида яшаш учун яна бошқа ўзига ҳос мосламаларни, жумладан анал тешик атрофидаги қорин ёриғи, қорин ичидаги қора парда каби мосламаларни ишлаб чиққан [7: 197-199 б.].

Қорабалиқлар орасида баъзи турлар (*Schizothorax labiatus*) майда хайвонлар ва ўсимликлар билан озиқланади, шу билан бирга йиртқич турлар (*Schizothorax esocinus*) ҳам мавжудлиги маълум. Юқорида Schizothoraxларнинг Помир тоғларига ва Каспий ортига қачон етиб борганлиги масаласи ноаниқ, лекин Понт асрингоҳирида Амударёнинг собиқ ирмоқлари Тажан ва Мурғоб дарёлари орқали қорабалиқлар Каспий ортига кўчиб келиш имконига эга бўлганлиги, шунингдек Л.С.Бергнинг тизими бўйича *Schizothorax* авлоди балиқлари Орол-Понт-Каспий вилоятининг Тарим участкасининг Сирдарё ва Тарим дарёларида ҳамда Туркистон участкасида тарқаганлиги маълум [4:202-203-б.]. Тоғли Осиё фаунаси комплекси тарқалишининг ҳал қилувчи омили - кислородга бой тоғ дарёларининг оқимиdir. Шу боис илгари тоғ дарёларида учраган қорабалиқлар водийдаги ирригацион каналлар орқали дарёларнинг тоғ олди қисмигача ва охирги вақтда ғарбий Фарғонадаги Сирдарёнинг майда ўзанларигача тарқалиб келмоқда.

Дарё сувларининг кислородга бойлиги баҳор охири-ёзнинг бошида ўзанга яқин оқими суст ерлардасув ҳашаротлари, хусусан хирономидларнинг кескин қўпайишига олиб келади.

## ХУЛОСА

1. Cyprinidae оиласи палеоцен даврида пайдо бўлиб, ҳозирги замонгacha шаклланиб келмоқда. Хусусан Тоғли Осиё фаунасининг вакиллари қора балиқлар Марказий Осиё худудида, шунингдек Ҳиндистон ва Покистон тоғ дарёларида кенг тарқалган.

2. Фарғона водийсидаги географик ирқлар ва морфалар эндемик *Schizothorax intermedius morpha eurystomus* морфасига таалуқли.

3. Юқори морфо-экологик ўзгарувчанлиги, тана ҳамда вазн ўсишининг суст суръатлари, ғоят чидамлилиги водий тоғ дарёларидаги оддий қорабалиқ морфалари учун ҳос.

4. Тоғли Осиё фаунаси вакили қорабалиқлар тарқалишининг асосий сабаби - дарё ўзанларидаги сувнинг паст ҳарорати шароитида кислородга бойлиги, балиқлар озуқасининг кескин қўпайиши, қорабалиқларни Сирдарёнинг майда ўзанларигача

тарқалишига сабаб бўлмоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

- 1.Берг Л.С. Рыбы пресных вод СССР . Т.1 М.-Л. – 1935.
- 2.Борисов П.Г., Овсянников Н.С.Определитель промысловых рыб СССР. Пищевая промышленность. -Москва, 1964. -С.191-193
3. Зохидов Т.З.Зоология энциклопедияси(Балиқлар ва тубан хордали-лар).- Тошкент: Фан, 1979. –276 б.
- 4.Никольский Г.В. Рыбы Таджикистана. Изд. АН СССР. М.-Л. 1938, - С. 118-125.
5. Турдаков Ф.А. Рыбы Киргизии. И зд.АН Кирг.ССР 1963. - 282 с.
- 6.Akram M., Khatoon N. Shizothprax plagiostomus, a new host of nematode infection of Rhabdochona species from Gilgit, Pakistan. Pakistan J Zool, 2001. 33(1): p. 77-79.
- 7.Мухамедиев М.А. Ихтиофауна и перспективы использования предгорных водоёмов Ферганской долины в связи с ирригационным строительством. Автореф. дис. канд. биол.наук –Л-д, ЛГУ, 1982 -16с.